2009 йил, 14 май, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (11.407)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳрининг товар-хом ашё биржасида ҳудудий саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги саноат корхоналари ўзларининг 150 турдан зиёд маҳсулотларини намойиш этишди. Иштирокчилар хизмат турлари бўйича тажриба алмашиб, истиқболли шартномаларни имзоладилар.

● Қўшкўпир туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 27 та корхона ва ташкилот ўзининг 300 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркаси давомида 160 киши ўз иш жойларига эга бўлди.

● Наманган вилояти, Поп туманидаги Тўда қишлоғи фуқаролар йиғини Янгиобод маҳалласига бир ярим километрлик қувур тортилиб, маҳалла ичимлик суви билан таъминланди. Бундан ташқари маҳалла гузарида тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан сартарошхона, маиший хизмат кўрсатиш пункти ва савдо нуқталари фойдаланишга топширилди.

● Навоий вилоятининг 9 та йирик корхонаси қишлоқни ривожлантириш жамғармасини таъсис этди. Янги жамғарманинг маблағлари қишлоқ инфратузилмасини ободонлаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Таъкидлаш жоизки, дастлабки таъсис бадаллари ва ҳомийлик маблағлари сифатида тушган 500 миллион сўмга яқин маблағ аниқ манзиллар бўйича йўналтирилди.

● Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг ўтган даврида корхоналарни модернизация қилиш ҳамда аҳолини касаначиликка жалб этиш эвазига Жиззахда 8800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

● Тошкент вилояти давлат педагогика университетида «Ёшларда юксак маънавий-маданий, ахлоқий қадриятларни ва бағрикенгликни шакллантириш масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

● Ургут туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 54 та корхона, ташкилот ҳамда кичик бизнес субъектлари иштирок этишди. Тадбир якунида 190 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

### ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» гуруҳи айирмачиларини Шри-Ланканинг шимолий қисмида ҳарбий операцияларни тўхтатишга даъват этди.

● Молдавияни бошқараётган коммунистик партия пленуми ҳукумат раиси Зинаида Гречания номзодини мамлакат президентлигига илгари сурди. Таъкидлаш керакки, Зинаида Гречания мамлакат ҳукуматини 2008 йил мартидан бошқараётган бўлиб, у илгари бош вазир ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

● 11 май куни Эрон аппеляцион суди қарорига кўра АҚШ фойдасига жосусликда айбланган машҳур журналист Роксана Сабери озодликка чиқарилди. Бирмунча вақт олдин у саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Сабери хонимга нисбатан белгиланган саккиз йиллик қамоқ жазосининг икки йиллик шартли муддатга алмаштирилишига шахсан Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажоднинг судга одилона ҳукм чиқарилишини сўраб йўллаган мактуби сабаб бўлган.

● Грецияда касаба уюшмалари томонидан йирик иш ташлаш акциясининг амалга оширилиши муносабати билан мамлакат авиакомпанияларининг 150 дан ортиқ рейслари бекор қилинди.

● Майами суди 5 нафар кишини Чикагодаги Cears Tower осмонўпар биноси ҳамда ФХБ офисларида портлашларга тайёргарлик кўришда айбдор деб топди. Мазкур жиноятчилар «Ал-Қоида» террорчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ҳаракат қилишни режалаштирганлар ва АҚШда ҳукуматга қарши чиқишларни амалга оширишни кўзда тутганлар. Уларнинг барчаси Гаити фуқароларидир.

● Кеча Франциянинг Канн шаҳрида 62-Халқаро кинофестивал очилди. Нуфузли фестивалнинг танлов дастурига 32 мамлакатнинг 52 та кинофильми саралаб олинган. 20 дан ортиқ фильм эса фестивалнинг асосий танлов дастурига киритилган.

● Кеча Перуда автобуснинг жарга қулаши натижасида ҳалок бўлганлар сони 26 кишига етди. 15 нафар йўловчи эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

● Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги метро бекатларидан бирида поезд рельсдан чиқиб кетиб, ер ости йўли деворига урилган. Қутқарув хизмати вакиллари бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳеч ким жабрланмаганини айтишган.

● «Гиннеснинг рекордлар китоби»да янги рекорд қайд этилди: Ҳиндистонда қарийб 160 минг нафар киши иштирокида тузилган хор гуруҳи 40 дақиқа давомида еттита қўшиқни ижро этди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





### Кўргазмалар

***Пойтахтимиздаги муҳташам «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонларида «Нефть ва газ Ўзбекистон — OGU 2009» 13-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

## «НЕФТЬ ВА ГАЗ ЎЗБЕКИСТОН – 2009»

ITE Ўзбекистон халқаро кўргазмалар компанияси мазкур тадбирнинг ташкилотчиси бўлиб ITE Exhbitions conferencel LTD» (Буюк Британия), ITE Mokhow, Gjma (Германия), ITECA (Қозоғистон) компаниялари уни уюштиришда ҳамкорлик қилишди.

Бу галги 13-халқаро кўргазмада 23 та давлатдан 150 дан зиёд компаниялар ўзларининг янги замонавий технологиялари, дастгоҳ ва ускуналари, хизматларини тавсия қилмоқдалар. Швейцария, Австрия, Буюк Британия, Германия, Эрон, Малайзия, АҚШ, Франция, Россия, Нидерландия, Польша, Италия, Қозоғистон, Украина, Хитой, Янги Зеландия давлатларидан жаҳонга машҳур етакчи компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда, уларнинг стендлари кўргазмага ташриф буюрувчилар диққатини ўзига тортмоқда.

Жумладан, каттагина майдонни эгаллаган юртимизда фаолият юритаётган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси «Hi-Tech кабель» қўшма корхонаси; «UzNek», «Uz Helamin», «Mexatronika-TES», «Kabeltransservis» масъулияти чекланган жамиятлари, «Махсусполимер» очиқ акциядорлик жамияти каби иштирокчиларнинг стендлари эътиборга сазовор бўлиб, соҳа мутахассисларида қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизда нефть ва газ заҳираси мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хорижий инвесторлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлар билан шартномалар тузиш орқали иш юритиш нечоғли зарурлиги яққол кўриниб турибди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмаларда ўтган йилдан эътиборан нефть-газ билан бирга, кимё соҳаси ҳам қамраб олинмоқда, стендларда кимё соҳасида эришилган ютуқлар, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ўз ўрнини топди.




Кўргазма доирасида қатнашчилар, юқоридаги соҳа мутахассислари, етакчи олимлар иштирокида уч кун давомида конференция, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилди, савол-жавоблар, очиқ мулоқот, баҳс-мунозаралар асосида тажриба алмашилди, янгиликлардан воқиф бўлишди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад эса аслида соҳада эришилган ютуқлар, энг янги технологиялар, сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳамда хизматлар намойиши ҳисобланади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: 13-халқаро кўргазмадан лавҳалар.**

**(ЎзА) олган суратлар**

## ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг хорижий мамлакатлар расмий, иқтисодий ва эксперт-таҳлилий доираларидаги кенг муҳокамаси давом этмоқда, давлат раҳбарининг янги илмий асари тақдимот маросимлари ўтказилмоқда.***

**Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Ихсаноглу** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги китобини "нодир ва ўз вақтида қилинган ташаббус" деб баҳолади. "Мазкур китоб ҳозирги глобал молиявий инқироздан чиқиш учун нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро майдонда ҳам йўриқнома вазифасини ўтайди.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг самарадорлигини, мустаҳкам ва ривожланган иқтисодиётга асосланганлигини кўрсатмоқда. Ислоҳотларнинг ўзбек модели бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олишини кўрсатди" деб ишонч билдирди.

ИКТ Бош котиби шунингдек "Президент Ислом Каримов ўзининг оқилона ва узоқни кўзлаган қарашлари билан бундан кейин ҳам мамлакат ва дунё миқёсида иқтисодиётни ривожлантириш ва соғломлаштиришга катта ҳисса қўшишда давом этади" дея таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг **Деҳли**даги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг янги китоби тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ҳиндистоннинг нуфузли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва эксперт доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Ж. Неру университети қошидаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг директори, профессор Ажай Патнаик инқироз шароитида Ўзбекистоннинг изчил ривожланиши мамлакат раҳбарининг юқори малакага эгалигидан далолат беришини, у юзага келган вазиятни чуқур таҳлил этиб тўғри қарор қабул қилгани ва кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги амалда исботланаётганини қайд этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб, минтақанинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлгани боис, унинг ҳолати бутун минтақа барқарорлигига боғлиқ, — деди олим. — Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатнинг иқтисодий инқироздан жиддий талафотларсиз чиқишига шароит яратувчи барча мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Дунё иқтисодчилари узоқ вақт мобайнида иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш имконияти ҳақидаги фикрга эътиборсиз қараб келишди. Лекин инқироз ушбу фикрнинг тўғри эканлигини ва давлатнинг иштирокисиз иқтисодиётни самарали бошқариб бўлмаслигини кўрсатди – буни эса, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолган Ўзбекистон амалда исботлашга муваффақ бўлди.

**Ҳиндистонлик йирик саноатчи, "Ennore Coke Limited" компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ганесан Натаржан** Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб боришини таъкидлади.

***(Давоми 2-бетда).***

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университетида уюштирилган ёш дастурчиларнинг миллий форумида фаол иштирок этган ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Гематология ва қон қуйиш институтида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда оққон касаллигини даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Оила» илмий-амалий марказида Халқаро оила кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида оиланинг аҳамиятини тарғиб этувчи кўрик-танлов уюштириш лозимлиги таъкидланди.

● **ТОШКЕНТ** компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида битирувчи синф ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида ўтказилган тадбир ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманидаги 213-мактабда Тошкент вилояти «Турон» ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида фахрийлар иштирокида уюштирилган тадбир «Хотира мангу — қадр абадий» деб номланди.

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Оила — келажагимиз пойдевори» мавзуида уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда олий ўқув юртлари талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Музейлар ўтмишдан ҳикоя қилади» акцияси доирасида «Тенгдош» маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари, «Машинасозлар» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари шаҳримиздаги музейларга саёҳат қилишди.

● **«ВАТАН,** дўстлик ва халқпарварлик учун» шиори остида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги ўн битта туман «Камалак» болалар ташкилотларининг анъанавий анжуманлари бўлиб ўтди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

### Фармон ва ижро

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатасининг депутатлари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашнинг изчил механизми яратилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ соғлом оила муҳитини яратиш, аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билим ва савиясини тобора юксалтириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, айниқса, чекка ҳудудлар, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши учун муносиб шароит ва имконият яратиш борасидаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштиришга оид зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Давра суҳбатида «Демократик жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрни», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида хотин-қизлар манфаатлари», «Аёллар масаласи – ижтимоий фанларнинг муҳим йўналиши», «Самарали бошқарувни ташкил этишда раҳбар аёлларнинг роли» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

"Биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишдан манфаатдормиз. Шундай экан, мамлакат иқтисодиётида кечаётган жараёнлар биз учун муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Ўзбекистон раҳбарияти банк-молия тизими ҳамда саноатни ривожлантиришга, иқтисодиётга замонавий технологияларни жалб этишга алоҳида муҳим эътибор қаратиб келаётганини қайд этишни истардим.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2009 йил биринчи чораги якунларига оид маълумотлар жаҳон молиявий инқирозига қарамасдан Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолганини кўрсатади, бу эса, ўз навбатида, ўзбекистонлик шериклар билан тенг манфаатли ҳамкорликнинг барқарорлиги ва истиқболли эканига ишонч уйғотади".

**Милли университетининг профессори Шаҳид Таслим** ўз касбий фаолияти юзасидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини диққат билан кузатиб боришини айтиб, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Мен Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби билан яқиндан танишиб чиқдим.

# ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳақида турли хабарлардан эшитиб эмас, ўзим яхши маълумотга эга бўлганим боис шуни айтишим мумкинки, инқирозга қарши чоралар мамлакат раҳбариятининг нафақат миллий иқтисодиёт, балки жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан нечоғлик теран ва ҳар томонлама хабардор эканлигидан дарак беради. Ўзбекистон ҳукуматининг Инқирозга қарши чоралар дастури чуқур ўрганишга ва бошқа мамлакатларда қўллашга лойиқдир, деб комил ишонч билан айта оламан".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимоти **Исломобод** шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан **Покистон Ислом Республикаси Сенатининг ички ишлар бўйича қўмитаси раиси, «Ўзбекистон–Покистон дўстлик жамияти» раиси Талха Маҳмуд Арьён**нинг фикрига кўра, «Ўзбекистон Президентининг янги китоби тақдимоти Покистон ҳукумати, савдо-саноат палатаси ва тадбиркор доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу китоб жиддий таҳлилларга асосланган. Менда унинг ахборот ва чуқур таҳлилларга бой эканлиги жуда катта таассурот қолдирди.

Бундай асар жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, ривожланган АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа кўпгина давлатлар оғир молиявий-иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган бир пайтда инқирозни бартараф этиш ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўлларини топишда муҳим қўлланма ҳисобланади».

**Покистон миллий банки эксперти Маҳмуд-ул-Хассан Хон** ўз мулоҳазаларини шундай ифодалайди: «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги китоби юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш йўлларини излашда беқиёс ҳисса қўшадиган асар ҳисобланади. Унда Ўзбекистонда жаҳон инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини камайтириш борасида танланган йўл ва комплекс чоралар кўрсатилган. Асар Ўзбекистон Республикасидаги молиявий-иқтисодий вазиятни ўрганиш учун жуда яхши манба ҳамдир.

Мен экспертларга, иқтисодиёт ва халқаро муносабатлар талабаларига жаҳондаги вазиятнинг мураккаблашиб бориши шароитида бугунги кун учун беқиёс манба бўлган ушбу асарни қунт билан ўрганишларини тавсия этардим».

Мисрда, Қоҳира университетининг «Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати» факультетида «Жаҳон молиявий инқирози ва уни бартараф этиш йўллари: Ўзбекистон мисолида» мавзуига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Президентининг Мисрда араб тилида нашр этилган китоби тақдимоти билан бир вақтда ўтказилди. Асарни мисрлик журналист Абдураҳмон Хомисий таржима қилган.

**Қоҳира университетининг профессори, стратегик тадқиқотлар халқаро маркази эксперти Нурхон аш-Шайх** Ўзбекистон Президентининг янги китоби ўз вақтида ёзилган ва дунёнинг кўпгина мамлакатларига молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларини кўрсатиб берадиган асар эканлигини таъкидлайди. Мисрлик олимнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг тадқиқотини бошқа давлатларда ҳам муваффақият билан қўллаш мумкин.

**Зақозиқ университетининг қишлоқ хўжалиги факультети профессори Одил Шиха** анжуман иштирокчилари эътиборини «Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирози бошланишидан олдин қабул қилинган чоралар натижасида иқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш кўрсаткичларни сақлаб қолишга эришилгани»га қаратди. О. Шиханинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўз кучига таянган ҳолда ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муваффақиятларга эришди, доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиш ҳамда асосан узоқ муддатга ва имтиёзли фоизларга асосланган хорижий инвестицияларни жалб қилиш тамойилларига амал қилиб келди.

Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти ҳукумат, сиёсий, эксперт-таҳлилий доиралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Қоҳира университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларида катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА**

# ЮК ВАГОНЛАРИ

***Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича устувор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.***

Нефть ва нефть маҳсулотлари, цемент, кимёвий ва минерал ўғитлар ва бошқа юкларни ташишга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг ўз имкониятларини кенгайтиришида муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йил бошидан буён юк ташийдиган темир йўл вагонлари парки учта усти ёпиқ ва 12 та очиқ вагон билан тўлдирилди. Бундай вагонларни серияли ишлаб чиқариш "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонасида йўлга қўйилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, илгари бундай вагонлар хориждан келтирилар эди. Мамлакатимизда уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши валюта маблағларини тежаш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам ёрдам берди. Ўзбекистонда вагон ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонасини реконструкция қилиш дастури тасдиқланди. Бинобарин, Марказий Осиё минтақасида таъмирланган ва янги юк ташиш вагонларига бўлган талабнинг янада ортиши кутилмоқда.

**В.РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЯНГИ МОСЛАМА ЯРАТИЛДИ

***Пойтахтимиздаги «Abt resurs servis» масъулияти чекланган жамияти ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «СувГео» илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида сувни электродиализ усулида тозаловчи мослама ишлаб чиқилди.***

Мутахассисларнинг изоҳлашича, электродиализ – электр токи ёрдамида сув таркибидаги эриган моддаларни чиқариб ташлаш жараёнидир.

Илмий-тадқиқот институтида мосламанинг тажриба намунасидан ўта шўрланган сувни тозалаш учун фойдаланилмоқда. "Abt resurs servis" масъулияти чекланган жамияти директори Рашид Умаровнинг айтишича, жорий йилнинг учинчи чорагида мазкур саноат мосламасини жорий этиш режалаштирилмоқда. Олимлар ва амалиётчилар ушбу мосламани истиқболда Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган сувни тозалаш учун қўллашни мўлжалламоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарори кичик бизнесни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2009 йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,2 фоиз кўпайди.

"Abt resurs servis" инновация компанияси ўз хизматлари кўламини кенгайтирмоқда. Компания қозонхоналарда ишлатиладиган сувни юмшатиш, вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сувни тозалаш бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари, яқинда фармацевтика корхоналари учун сув таркибини ўзгартириш хизматларини ҳам жорий этди.

**В.РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

***Тошкент ахборот технологиялари университетида «Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишининг долзарб муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Россия ахборот технологиялари федерал агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Форумда давлат органлари, вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва хориждаги илмий марказлар, компаниялар, тижорат тузилмалари, ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи фирмалар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланишини кенг жорий этиш ва қўллаш жараёнларини фаоллаштириш, энг долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда кўриб чиқиш, илғор тажрибалар билан танишиш ва тажриба алмашишдан иборат.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Хўжаев мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган.

2003-2004 йилларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун шулардан биридир. Ушбу ҳужжатга биноан электрон рақамли имзо ўз қўли билан қўйилган имзога тенглаштирилган ва у билан бир хил юридик кучга эга. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун эса электрон рақамли имзо мажбурий реквизитларидан бири ҳисобланган электрон ҳужжатнинг юридик кучини, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатларини белгилайди.

Бугунги кунда республикамизда электрон рақамли имзони самарали қўллаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилган, миллий инфратузилма шакллантирилиб, зарур воситалар ишлаб чиқилган. Электрон рақамли имзони барча жойларда кенг қўллаш мақсадида ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, электрон рақамли имзони рўйхатга олиш бўйича миллий марказлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларни халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлашни яхшилаш, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмасини ривожлантириш ва электрон рақамли имзони трансчегаравий қўллаш учун шароит яратиш даркор. Ҳозир Ўзбекистонда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш бўйича рўйхатдан ўтказилган тўртта марказ фаолият кўрсатмоқда.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш ҳужжатлар билан ишлаш натижаларини, ишончлилиги ва самарадорлигини оширади, бошқарув сифатини яхшилайди ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш таъсирчанлигини кенгайтиради. Бундан ташқари, бошқарув фаолиятини ҳужжатлар орқали таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Давлат органларининг рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлиш, солиқ, молия, статистика ва бошқа ҳисоботларни йиғиш бўйича турли хизматларни кўрсатишда жисмоний ҳамда юридик шахслар билан ҳамкорлик қилишида электрон ҳужжат айланишини қўллашга эҳтиёж тобора кучаймоқда. Ҳозир статистика органлари томонидан электрон шаклдаги давлат статистика ҳисобдорлигини қабул қилиш борасида тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда, шунингдек, солиқ инспекцияси органларида ҳам шундай тизим яратилган.

Анжуманда электрон шаклдаги давлат интерфаол хизматларини кўрсатишни ташкил этиш, интеграциялашган давлат ахборот тизимларини яратиш, давлат ахборот ресурсларини ҳудуд ва маконда бирлаштириш, барча даражада электрон хизматларни тақдим этишни таъминлайдиган электрон муҳитни шакллантириш каби долзарб масалалар муҳокама этилмоқда. Шу билан бирга, шахсий ахборотни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, трансчегаравий электрон ҳужжат айланишида учинчи томонга ишонилган сервислар ва электрон рақамли имзони қўллашга катта аҳамият берилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Мўминов, БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди, "ИнфоТекс"очиқ акциядорлик жамияти таҳлил бўлими бошлиғи А.Лунин (Россия), Қирғизистон ахборот ресурслари ва технологиялари давлат агентлиги директори Н.Валиева ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Форум иштирокчилари компания ва ташкилотларнинг ахборот технологиялари, электрон ҳужжат айланиши ва ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги ихтисослашган экспозициялари билан танишдилар.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Қарор ва ижро*

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

***Маълумки, шаҳримизда жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майигача қадар «Йўловчи ташиш транспортида аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлиги» эълон қилинган. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган режага кўра, пойтахтимиз туманлари аҳолиси, фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, олий ўқув юртлари, хотин-қизлар қўмиталари «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказиб келинмоқда.***

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда туманда 4 та асосий шоҳбекат, 148 та бекатлар мавжуд бўлиб, туман аҳолисига 85 та йўналиш бўйича 745 та транспорт воситалари хизмат кўрсатмоқда. Шундан 295 таси 35 та йўналиш бўйича ҳаракатланувчи автобуслар, 46 таси йўналиш бўйича ҳаракатланган маршрут таксилари, 2 та маршрут бўйича ҳаракатланувчи 16 та трамвай, 2 та маршрут бўйича ҳаракатланувчи 8 та троллейбусдан иборатдир.

Тадбир қатнашчилари дастлаб «Пахтакор» шоҳбекатида аҳолига намунали транспорт хизматини кўрсатиш, яратилаётган қулайликлар, бекатдаги санитария ҳолати, ҳайдовчи ва йўловчилар ўртасидаги муносабатлар билан яқиндан танишдилар. Айниқса, ёшлар билан ўтказилган учрашувларда жамоат транспортларидан фойдаланишдаги имкониятлар, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг бурч ҳамда вазифалари юзасидан фикрлашиб олинди. Шундан сўнг, Тошкент Кимё технология институти талабалари, 13-мактаб ўқувчилари, «Чақар», «Самарқанд дарвоза» маҳаллалари фаоллари билан уюштирилган мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш, Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 10 апрелдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар хусусида тўхталиб ўтилди.

Тумандаги тадбирлар давомида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси 3-автобус саройи тасарруф бўлими бошлиғи Умаржон Абдуллаев, «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши бўлими раҳбари Ирода Абдуллаева, Ҳувайдо, «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Фотиҳ Асқаров, Аҳмаджон Зокировлар сўзга чиқишиб, кейинги йилларда жамоат транспортини ривожлантиришга оид ўтказилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан фикрларини билдиришди.

— Мазкур тадбирлар Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида ўтказилаётгани айни муддао бўлди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Шайхонтоҳур туман бўлими раиси ўринбосари Маҳмуджон Ғафуров биз билан суҳбатда. — Шу маънода шаҳримиз, жумладан, туманимиз аҳолисининг намунали, юқори маданиятли транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш, сифатини ошириш қутлуғ шодиёна арафасидаги эзгу ишлардан бири бўлиб қолишига ишонамиз.

Учрашувлар давомида аҳолининг соҳани ривожлантиришга доир таклифлари, фикр-мулоҳазалари тингланди ва галдаги режалар белгилаб олинди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**




**СУРАТДА: Шайхонтоҳур туманидаги «Пахтакор» шоҳбекатида ўтказилган транспорт ходимлари ва аҳоли ўртасидаги мулоқотлардан лавҳа.**

**Муаллиф олган сурат**

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАЛАРИ

***Агар у ёки бу давлатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичини билмоқчи бўлсангиз, бунинг энг осон йўли — ўша давлатнинг макроиқтисодий аҳволи билан танишиб чиқишдир. Чунки айнан ўша маълумотлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволининг энг аниқ кўринишини ҳосил қилиб бера олади.***

Бугунги кунда жаҳон иқтисодий инқирози қарийб барча давлатларга ўз таъсирини кўрсатди. Биз инқироз сабаблари ҳақида сўз юритиш ниятида эмасмиз, балки, Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ёрдамида юртимизнинг реал имкониятлари тўғрисида мушоҳада қилмоқчимиз.

2008 йил Ўзбекистон учун сермаҳсул ва юқори кўрсаткичли йил бўлди деб бемалол айтиш мумкин. Бунга аниқ далиллар ҳам бор. Масалан, ЯИМ 9%га ошган бўлиб, у 27.88 млрд долларни ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, бу рақамлар жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади. Ўтган йилда саноатнинг ўсиши 12.7%, маҳсулот айланмаси эса 19.07 млрд долларга етди, яъни ўтган йилларга нисбатан 21.1% ўсиш кузатилди.

Инфляция — ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг индикатори бўлиб ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг қай даражада йўлга қўйилганлигини бор йўғи битта рақам билан кўрсатиш мумкин – мамлакатимизда инфляция 7.8% кўрсаткичига эга бўлиб, бу МДҲ давлатлари орасида энг яхши натижадир. Бундан ташқари МДҲ ҳудудида инфляция ўсиш даражасининг энг паст кўрсаткичи айнан бизнинг мамлакатимизда қайд этилган. Иқтисодиёт назариясидан келиб чиқсак, сўм мустаҳкам позицияга эгадир.

Шуни унутмаслик кераккки, заминимиз бой табиий ресурсларга эга бўлиш билан бирга, жуда қулай геосиёсий ҳудудда жойлашган. Шу сабабдан импорт-экспорт ривожланибгина қолмай, Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ҳам жуда даромадли маскан ҳисобланади. Шу секторлардан олинаётган фойданинг ўзи давлат бюджетининг каттагина қисмини ташкил этади.

Юртимиз жуда катта табиий ресурсларга эга, Менделеев жадвалида қайд этилган элементларнинг 90% дан ошиғи бизда мавжуд. Бундан ташқари яхши иқлим қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам йил давомида даромад олиш имкониятини беради. Ва энг муҳими — экспорт учун ҳам Шарқ мамлакатлари, ҳам Ғарб мамлакатлари яқин. Давлатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат эса ишлаб чиқариш соҳасига жуда катта имкониятлар яратиб берган. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистон ҳудудида кўплаб қўшма корхоналар ўз фаолиятини олиб боряпти. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳон талабларига жавоб бериб, нафақат ташқи бозорни, балки ички бозорни ҳам таъминлаб турибди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бошланган 2009 йил дунё учун қандай келишини олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайди. Лекин ёш молиячилар сифатида шуни айта оламизки, бизнинг оқилона сиёсат натижасида иқтисодий кўрсаткичларни пасайтирмасликка ҳаракат қилиниши 2008 йилда эришилган натижаларни сақлаб қолиш имконини беради.

**М. МАҲМУДОВА,**
**М. БОЗОРОВА,**
**Х. ХАДЖАЕВ**

